# ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***У.А. Нурманов***
*ТДИУ "Молиявий таҳлил"*
*кафедраси профессори, и.ф.д.*

**Аннотация.** Жорий активларни ишлаб чиқаришда қўллаш жараёнида юзага келадиган рискларни бошқариш функциясини амалга оширишда, рискларнинг таркиби, уларни баҳолаш усуллари аниқланади, мумкин бўлган йўқотишлар таҳлил қилинади (алоҳида операциялар ва умумий иқтисодий фаолиятда)индивидуал хавф-хатарларнинг олдини олиш, шунингдек, уларни суғурта қилиш бўйича чора-тадбирлар тизими шакллантирилади.

**Аннотация.** При реализации функции управления пикированием, которое происходит при освоении государственного актива, выявляют пиклэп, определяют цикл оценки цены, анализируют возможные потери (по отдельным операциям и общехозяйственной деятельности), предотвращение индивидуального риска, а также меры по сбору цен формируется система обучения.

**Annotation.** When implementing the function of managing the pick-up that occurs during the development of a state asset, the pick-up is identified, the price assessment cycle is determined, possible losses are analyzed (for individual operations and general business activities), the prevention of individual risk, as well as measures for collecting prices, a training system is formed.

**Калит сўзлар:** *жорий активлар, жорий активларни бошқаришда рисклар, жорий активлар элементлари, ҳажми, жорий активларни режалаштириш.*

***Ключевые слова:*** *оборотные активы, риски при управлении оборотными активами, элементы оборотных активов, размер, планирование оборотных активов.*

***Key words:*** *current assets, risks in managing current assets, elements of current assets, size, planning of current assets.*

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида ҳар бир бизнес жараёнида улардан самарали фойдаланиш жорий активларнинг ишлашини бошқариш механизми хусусий механизмларга асосланиши талаб этилади. Яъни фондларнинг таркиби ва тузилиши, уларни шакллантириш манбалари, функционал шаклларини бошқариш, шунингдек, жорий активларнинг фаолият кўрсатиши ва айланиши жараёнида юзага келадиган рисклар инобатга олинади. Жорий активлардан фойдаланиш самарадорлиги унинг айланиши ва рентабеллик кўрсаткичлари билан тавсифланади. Шу сабабли бошқарув

самарадорлигига жорий активларни айланиш даврини қисқартириш ва рентабелликни ошириш орқали эришиш мумкин.

Шундай қилиб, жорий активларни бошқаришнинг бизнес жараёнлари қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари бизнес муомалаларининг узлуксиз оқимини бир қисмидир. Демак, харид қилиш натижасида товар-моддий захиралар ва кредиторлик қарзлари кўпаяди, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасида товар маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келади, маҳсулотларни сотиш эса дебиторлик қарзлар, кассадаги ва банкдаги ҳисоб рақамларда накд пул маблағларининг кўпайишига олиб келади. Ушбу операциялар цикли бир неча марта амалга оширилади ва натижада накд пул тушумлари ҳамда пул тўловларига тўғри келади. Айланиш давомийлиги жорий активларнинг таркиби, тузилиши, жойлашиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг давомийлигига боғлиқ. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг жорий активларини самарали бошқариш сиёсати нафақат технологик ёндашув, шунингдек, бошқа асосий ёндашувлар: тизимли, яхлит, таркибий, дастурий мақсадли, норматив, назорат ва тартибга солувчиларга ажратишимиз мумкин.

Замонавий бошқарув тизимида ва соҳадаги бир қатор илмий тадқиқотлардан кўринадики жорий активларни бошқариш жараёнида тизимли ёндашув устунлик қилмоқда. Жорий активларни бошқариш жараёнига тизимли ёндашув жорий активларнинг алоҳида элементларини статистик маълумотлар асосида тартибга солади ҳамда уларнинг ўзгаришини ретроспектив баҳолайди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасининг жорий активларини юқорида кўрсатилган шаклланиш элементлари самарадорлигини ошириш ва захираларни аниқлаш учун ҳар томонлама таҳлил қилиш зарурати ортиб бормоқда. Ҳар қандай корхонани қуйи тизимлардан ташкил топганлиги, бошқариладиган, ишлаб чиқарадиган ва мавжуд бўлиш мақсадига эга бўлган мураккаб очиқ тизим деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун корхонанинг жорий активларини бошқаришда тизимли ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Л.Малявкина фикрича «Жорий активларни бошқаришга тизимли ёндашиш уларнинг элементларини ўзига хос хусусиятлари ва улар ўртасидаги муносабатларга мувофиқ тартибга солишдан иборат. Бу орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг жорий активларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёни бўлиб, корхонанинг тактик мақсад ва вазифалари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади».

М.Пардаев фикрича «...хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлигини ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин: корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши; бозордаги энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улушига нисбатан шу корхона маҳсулоти улуши; рақобатдаги маҳсулотни сотиш

ҳажмининг ўсиш суръати; корхона маҳсулоти баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффициентдаги миқдори; корхона маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси; корхонада маҳсулотни реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати; корхонанинг рақобатбардош товарларининг рентабеллик даражаси; корхонада умумий рентабеллик даражаси; корхона балансининг жорий ликвидлик даражаси; корхона маҳсулоти рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич».

Фикримизча, тадқиқот объекти «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ва унинг тизимидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари учун жорий активларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқишда таклиф қилинаётган жорий активларни тизимли ёндашувга асосланган бошқариш механизмининг интеграциялашган моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Унда операцион цикл босқичлари билан бирга масъулият марказларига асосланган жорий активлар элементларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларини режалаштириш ҳамда баҳолашга тизимли ёндашувлар ўз ифодасини топган, яъни:

*Корхона бошқаруви босқичида* – бошқарув объектини аниқлаш (уюшма), бошқариладиган объектни аниқлаш (АЖ ва бошқалар), ҚМИЧК бизнес босқичларини аниқлаш, бошқарув структурасини шакллантириш (ҚМИЧК), бўлинмаларда мажбурий фукцияларини тақсимлашни ўз ичига олади;

*Таҳлил босқичида* – динамик ўзгаришларига баҳо бериш, таркиби, элементлари ва тузилишини таҳлили, ишлаб чиқаришда қўлланилган маблағлар бўйича баҳо бериш, самарадорлиги бўйича баҳо бериш,

инвестиция ва рисклар бўйича таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилади;

*Назорат босқичида* – товар-моддий захиралар ҳаракатини назорати, пул маблағларини назорати, дебиторлик қарзлар ҳаракатчанлигини назорати, маблағлар манбаининг назорати, рентабеллик ва айланувчанликни назорати кўриб чиқилади;

*Режалаштириш босқичида* – операцион давр мақсадини аниқлаш, бизнес стратегияларини шакллантириш, жорий активларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, мақсадли маблағлар ҳажмини аниқлаш, мақсадли жорий активлар

ҳажми аниқланади;

*Прогнозлаш босқичида* – ресурслар таъминлан ганлигини прогнозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича прогнозлаш, жорий активлар самарадорлигини прогнозлаш, рисклар профилактикаси, жорий активлар самарадорлиги стратегиясини прогнозлаш назарда тутилади.

Мазкур қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активларни тизимли ёндашувга асосланган бошқариш механизмининг интеграциялашган модели қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хўжалик

субъектларида жорий активлар таҳлилини жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори билан амалиётга жорий этилган. Шунингдек, ушбу тавсиянинг амалиётга жорий этилиши натижасида хўжалик субъектларининг жорий активлар таҳлилини амалга оширишдаги тизимли ёндашувга асосланган бошқариш механизмининг интеграциялашган модели орқали «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ва унинг тизимидаги иқтисодий таҳлил маълумотлари билан шуғулланувчиларнинг меҳнат сарфи 10 фоиз қисқаришига эришилганлигини ижобий ҳолат деб баҳолашимиз мумкин.

Умуман олганда хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини юритишда жорий активларини бошқариш муҳимдир. Жорий активлар тўғрисида муҳим маълумотлар асосида жорий активларни оптималлаштириш учун бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Умуман олганда хўжалик юритувчи субъектлар жорий активлари бошқарувини такомиллаштиришни қуйидагилар асосида амалга ошириш зарур:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий активларини юритиш борасида давлатнинг ролини ошириш;
- жорий активини дунё тажрибаларига таянган ҳолда юритиш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ жорий активларни ҳисобга олган ҳолда юритиш;
- жорий активлар таркибидаги ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни хўжалик субъектлар фаолиятига жорий этиш ва ҳакозо.

**Адабиётлар:**


1. Nurmanov, U. A. (2022). Budgeting in the management of current assets. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, *2*(1.1 Economical sciences).
2. У.А. Нурманов. (2024). Жорий активларни бошқаришда тизимли ёндашишни такомиллаштиришнинг муҳимлиги. World Scientific Research Journal, 23(2), 277–286. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3041
3. САГДИЛЛАЕВА, З. А., & ЧОРИЕВ, И. Х. (2016). Проблемы аудита оплаты труда. In *СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ И РЕГУЛИРОВАНИЯ: ПОИСК ОПТИМАЛЬНЫХ РЕШЕНИЙ* (pp. 113-119).
4. Choriev, I., & Mamatqulov, A. (2018). THE EFFECT OF DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ON SEGMENTAL SEPARATION OF POPULATION. *International Finance and Accounting*, *2018*(5), 12.
5. Тулаев Мирзакул Саламович. (2024). РАСЧЕТ РЕНТАБЕЛЬНОСТЬ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА (ROE) В УЗБЕКИСТАНЕ . World Scientific Research Journal, 23(2), 182–190. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3031
6. Тулаев Мирзакул Саламович. (2024). МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ КОЭФФИЦЕНТЛАР ЁРДАМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific

Research Journal, 23(2), 149–162. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3028

7. Yuldasheva, U. A. (2022). THE IMPACT OF THE TAX BURDEN ON THE FINANCIAL ACTIVITIES OF BUSINESS ENTITIES. *ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA*, *1*(1), 55-63.

8. Yuldasheva Umida Asanaliyevna. (2024). WAYS TO OPTIMIZE THE TAX BURDEN ON ORGANIZATIONS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, *20*, 248–253. Retrieved from https://www.americanjournal.org/index.php/ajbmeb/article/view/1782

9. Yuldasheva, U. (2022). IQTISODIYOTNING XALQARO INTEGRATSIYASIDA INVESTITSIYALARNING O'RNI VA AXAMIYATI. INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING, 1(4), 336–345. Retrieved from https://researchedu.org/index.php/iclt/article/view/2742

10. Юлдашева, Д. А. (2024). ИНФОРМАЦИОННАЯ ОСНОВА ОЦЕНКИ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. *World scientific research journal*, *23*(2), 57-66.

11. Yuldasheva D.A. (2023). INFORMATION AND ANALYTICAL BUSINESS ENVIRONMENT AND ITS INTERACTION WITH ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY. *European Journal of Research Development and Sustainability*, *4*(1), 9-12. Retrieved from https://scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/3106

12. Сагдиллаева, З. А. (2024). ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. *World scientific research journal*, *23*(2), 191-198.

13. Сагдиллаева, З. А. (2024). СОДЕРЖАНИЕ И ПОРЯДОК ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЁТНОСТИ, СФОРМИРОВАННЫЙ НА ОСНОВЕ МСФО. *World scientific research journal*, *23*(2), 437-442.

14. Sardor Umarovich Kholdorov (2022). Investitsion loyihalarini moliyalashtirishda xavflarni baholash va boshqaruv masalalari. "*The processes of digital transformation in the economy, finance and management in the context of a pandemic*", 6, 916-927 pp.

15. Сардор Умарович Холдоров (2022). Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион фаолиятини молиялаштириш истиқболлари. *"Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: мақсад, тамойиллар ва ривожланиш истиқболлари"*, 3, 326-329 б.

16. Абдуллаев Аброр Бозарбоевич. (2023). Корхона солиқ мажбуриятларини самарали бошқаришни таъминлашда солиқ аудитининг роли. World Scientific Research Journal, 21(1), 134–142. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2871

17. Абдуллаев, А. Б. (2019). Совершенствование учета и анализа налогов improvement of accounting and analysis of taxes. ББК 65.052 Б 94, 10.

18. Абдуллаев Аброр Бозарбоевич. (2023). Солиқ таваккалчилигини бошқаришда солиқ аудитининг роли ва вазифалари. World Scientific Research Journal, 21(1), 166–175. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2874

19. Abdullayev, A. B., & Ochilov, O. I. (2021). A new approach to the methodology of tax analysis. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 11(9), 19-25.

20. Якубов Улугбек Касимович. (2024). Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий- иқтисодий ҳолатини таҳлилида ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичларидан фойдаланиш масалалари. World Scientific Research Journal, 23(2), 428–436. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3055

21. U.Yakubov, Q.Altiyev, Sh.Maxmudova. (2022). Biznes tahlilda raqamli texnologiyalar. (Darslik). –T.: “Nihol print”, 236 b.

22. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976

23. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005

24. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960

25. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari. https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021

26. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059

27. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар кўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, *23*(2), 287–294. Retrieved from http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042

28. Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). Ta’limda texnalogiyalarni qo‘llash hamda xorijiy tillarni o‘rgatish orqali mutaxassislarni malakali kadr sifatida chiqarish islohatlari. Scientific approach to the modern education system, 2(18), 62-64.

29. Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). Kichik biznesga qanday yengilliklar beriladi, kimlar 20 mln yoki 30 mln to‘lasa soliq hisobotini yuritishi shart emas, 2023 yilgi soliq o‘zgarishlari. ijodkor o'qituvchi, 3(32), 30-32.

30. Қиличев Ботир Пардаевич. (2024). COVID-19 пандемиясидан кейин туризмни ривожлантириш йўналишлари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 39(2), 130–134. Retrieved from https://newjournal.org/index.php/01/article/view/11578/11219

31. Abdullaevich, K. M. (2020). Issues to enhance financial literacy on extrabudgetary targeted funds. *International Journal of Research in Social Sciences*, *10*(8), 129-135.

32. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Яширин иқтисодиётга қарши курашишда фискаль сиёсат, хорижий тажриба, муаммо ва ечимлар. World Scientific Research Journal, 23(2), 257–265. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3039

33. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Солиқ маъмурчилигида молиявий технологиялар – хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш омили сифатида. World Scientific Research Journal, 23(2), 266–276. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3040

34. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Қўшилган қиймат солиғини қўллашнинг халқаро амалиётдаги моделлари. World Scientific Research Journal, 23(2), 295–302. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3043

35. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИИ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции, 146-154.

36. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Хуфиёна иқтисодиёт шароитида фискал сиёсати ва унинг назарий асослари. World Scientific Research Journal, 23(2), 303–313. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3044

37. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Божхона тўловларини ундиришда молиявий технологияларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш. World Scientific Research Journal, 23(2), 314–324. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3045

38. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini takomillashtirish va normativ-huquqiy asoslari. World Scientific research Journal, 23(2), 344–351. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3048

39. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Fiskal siyosat bo‘yicha xorijiy mamlakatlar tajribasi va uni qo‘llash muammolari. World Scientific Research Journal, 23(2), 352–361. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3049

40. Dusiyarov, S. K. (2021). Issues Of Supporting Activities Of Business Entities Through Improving Tax Administration In Uzbekistan. *Academicia Globe*, *2*(11), 51-59.

41. Dusiyarov, S. X. (2023). Stages of entrepreneurship development in uzbekistan and its role in the national economy. *Modern Science and Research*, *2*(6), 16-25.

42. Дусияров Ш. (2021). Кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири таҳлили, Iqtisodiyot va ta’lim, 2021, 6, 105-109. https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/289 .

43. Дусияров, Ш., Чоршанбаев, У., & Муратжанова, Л. (2024). Саноатни модернизациялашда самарали солиқ механизмларидан фойдаланиш йўллари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, *2*(2), 367-376.

44. Fayziev, F. (2021). Маҳаллий бюджет даромадларини оширишда мулкий солиқларнинг аҳамияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/305

45. Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич. (2024). Ўзбекистонда ўзини ўзи банд қилиш: ривожланиш истиқболлари ва солиқ тизимидаги ўрни. World Scientific Research Journal, 23(2), 387–402. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3052

46. Abdullakhojaevich, F. F. (2020). Peculiarities of assessing real estate by market value for the taxation purpose. *International Journal of Research in Social Sciences*, *10*(7), 92-100.

47. Файзиев, Ф. (2020). Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкни бозор қийматида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари. *Экономика и инновационные технологии*, (1 (2)), 218-227.

48. Хамидова Сулув Янгибоевна. (2023). Халқаро амалиётда ички аудиторлик текширувларини ўтказиш услубиётини ва ички аудитнинг халқаро стандартларини такомиллаштириш асослари. *"XXI ASRDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR, FAN VA TA’LIM TARAQQIYOTIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR" nomli respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi*, *1*(8), 8–22.

49. Хамидова С.Я. (2023). Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш ва параллел усулларда тузишнинг ташқилий жиҳатлари. *"Conference on Universal Science Research 2023"*, *1*(8), 18–23.

50. Yuldashev, J. A. (2023). Marketing Principles of Formation of Reserve Funds in the Practice of Commercial Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, *3*(5), 1–6. Retrieved from https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1650

51. Юлдашев, Ж. А. (2023). Изучение современного состояния банковских поступлений, формы развития внутрибанковских и межбанковских расчетов. *World scientific research journal*, *12*(2), 186-196.

52. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.

53. Yuldashev, J. A. (2022). Mechanisms of Customer Attraction Based on Marketing Strategies in Commercial Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, *2*(10), 25–32. Retrieved from https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1313

54. Самадова, Н. Р. (2024). КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ COMPLEX ANALYSIS OF THE ECONOMIC COMPETENCE OF THE ENTERPRISE. *World scientific research journal*, *23*(2), 174-181.

55. Samadova Nargiza Rasulovna. (2023). Ways to Analyze Financial Potential Based on the Balance Sheet. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance*, *4*(12), 65-67. Retrieved from https://cajitmf.centralasianstudies.org/index.php/CAJITMF/article/view/661

56. Маматкулов, А. Х. (2023). Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш. *Gospodarka i Innowacje.*, *41*, 142-145.

57. Маматкулов, А. (2017). Совершенствование учета затрат в производственном учете на хлопкоперерабатывающем предприятии. Экономика и инновационные технологии, (3), 111–117. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9264

58. Rozmatovna, Y. U. (2022). Improvement of Intangible Assets Accounting and Auditing. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, *9*, 102-104.

59. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2023). IQTISODIYOTNI TARTIBLASHDA BOZOR MEXANIZMI . *Journal of New Century Innovations*, *30*(3), 12–13. Retrieved from https://newjournal.org/index.php/new/article/view/7342

60. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015

61. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.

62. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557

63. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, *3*(5), 1719-1728.